Куч — адолатда

2010 йил,
19 май,
чоршанба
№ 19-20 (274)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

СПОРТ — НАВҚИРОНЛИК ВА БАРКАМОЛЛИК ЭЛЧИСИ

Ёшлар ҳар бир миллат ва мамлакатнинг келажаги, отабоболарнинг эзгу орзу-умидлари давомчисидир. Шу боис, мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб вояга етказишга, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилаётир.





Жорий йилнинг биринчи чорагида **«Баркамол авлод йили»** Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. Ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Таълим муассасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда. Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси, шунингдек, қишлоқ жойларидаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Навқирон авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Бу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида 2003-2009 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорти объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82%) қишлоқ жойларидадир. Фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари тасдиқланган меъёрлар бўйича спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, уларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади. Натижада мактаб ёшидаги болалар ўртасида касалликка чалиниш анча камайди, уларнинг фаоллиги ва жисмоний маданияти ошди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 5 майда қабул қилинган **«Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам болалар спортини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида 100 дан ортиқ болалар спорти иншоотлари барпо этилгани бу борадаги ишлар изчиллик билан олиб борилаётганидан дарак беради.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятда кейинги ўн йилда спортнинг турли йўналишлари бўйича 30 нафардан ортиқ жаҳон чемпиони етишиб чиқди. Жисмоний тарбия ва спортни ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришга қаратилаётган эътибор туфайли белбоғли кураш, енгил атлетика, таэквондо каби спорт турлари билан шуғулланаётган ёшлар сафи анча кенгайди. Қизлар ўртасида бадиий гимнастика тобора оммалашиб бормоқда.

Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ушбу нафис спорт турини ривожлантириш, унга қизларни жалб этишга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётир.

(Давоми иккинчи бетда)

Ушбу сонда:

ДАЪВО МУДДАТИ
у қачон ва қандай тартибда қўлланилади? 3

ЙЎЛДА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР
шунда ҳар хил кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларга ўрин қолмайди 3

БИРОВНИНГ МУЛКИ
унга қасддан шикаст етказиш жавобгарликка олиб келади 4

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ҳамда унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Адвокатура институтининг чуқур ислоҳ этилгани фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини тўла таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Mulohaza

Оила мустаҳкамлиги

миллат соғломлигининг асосий омилидир

Президентимиз таъкидлаганидек, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

Шу боис юртимизда оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари билан уйғун ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Исботлаш тамойиллари

уларнинг аниқлиги фуқаролик ишларининг самарадорлигини таъминлайди

Низоларни бевосита далилларга таянган ҳолда ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, фуқаролик процессида исботлаш ва далиллар масаласининг долзарблиги Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги «Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорида ҳам алоҳида таъкидланган.

Маълумки, судда далиллардан фактик ҳолатларни белгилаш мақсадида фойдаланилади. Яъни суд бирон-бир фуқаролик ишини ундаги мавжуд ҳолатларни аниқламасдан туриб, ҳал этиши мумкин эмас.

Меҳнатга оид етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар ҳам бошқа фуқаролик ишлари каби судларда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриб ҳал этилади. Бинобарин, фуқаролик процессининг муҳим тамойилларидан — тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилигининг устуворлиги мазкур ишларда ҳам сақлаб қолинади. Бу эса ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг судлар томонидан аниқланиши тамойилининг нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Маълумки, мамлакатимизда фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук, комил инсон сифатида вояга етказишга мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ алоҳида эътибор қаратилган, ёшлар сиёсати устувор масалага айланган эди. Ўтган йиллар давомида юртимизда «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ёшлар йили» сингари хайрли, эзгу мақсадлар билан амалга оширилган кенг миқёсли саъй-ҳаракатлар туфайли комил инсон тарбияси йўлидаги ишлар муваффақиятли адо этиб келинганини англаш қийин эмас. Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб ном олиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада юқори босқичга кўтарилганини ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Инсонни тўғрилик юксалтиради

Ёшлар — келажагимиз деб эътироф этиладиган юртимизда вояга етмаган шахс ҳуқуқ ва манфаатлари қонун йўли билан кафолатланмоқда. Қонунларимизда инсонпарварлик, одиллик, адолатпарварлик тамойиллари устуворлик касб этади. Бу эса билиб-билмай ёки оқибатини ўйламай жиноятга қўл урган вояга етмаган шахсларга келгусида хатосини англаб, тўғри йўлга тушиб олишига имкон беради.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий ҳимояси

амалда самарали таъминланмоқда

Тадбиркорлик жамият тараққиётининг асоси ҳисобланади. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, аввало, Конституциямизда белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, юртимизда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, мамлакат иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулкчилик ташкил этади, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги давлат томонидан кафолатланади.

Давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, **меҳнат фаолиятининг шу йўналиши бугунги кунда аҳолимизнинг катта қисми учун нафақат асосий даромад манбаи, балки дунёнинг ривожланган давлатларида бўлгани каби мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳаётининг таянчи ва суянчига айланиб улгурди.**

Шу боис мамлакатимизда турли шакллардаги тадбиркорлик субъектлари тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, 2010 йилнинг биринчи чорагида вилоятимизда юридик мақомга эга бўлган 1019 та хўжалик юритувчи субъект ташкил этилган бўлса, уларнинг 1010 таси тадбиркорликка ихтисослашган. Бугунги кунгача Фарғона вилоятида 49 минг 410 та хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатига олинган бўлиб, шунинг 45 минг 482 таси тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Етказилган зарар

уни суд тартибида ундириш асослари

Аввало шуни айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 985-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Етказилган маънавий зарарни ундириш асослари Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида келтирилган бўлиб, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур Фармонда ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишларида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш асосий йўналишлардан бири сифатида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган ва Сенат томонидан маъқулланиб, 2009 йил 12 сентябрда кучга кирган **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги қонун бунинг амалий ижроси бўлди. Қонун асосида вакиллик институти тубдан такомиллаштирилди.

Пленумда мазкур қонуннинг амалиётда судлар томонидан тўғри, аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган **«Фуқаролик ишлари бўйича вакилликка доир қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»**ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

2009 йил сентябрь ойига қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига биноан ишда иштирок этувчи шахснинг вакили (тарафлар, учинчи шахслар) сифатида адвокатлардан ташқари бошқа ҳар қандай шахснинг, шу жумладан, юридик маълумотга ва юридик ёрдам кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйиларди. Бу фуқароларнинг юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни сифатли таъминламас, фуқаролик ишларида вакил сифатида иштирок этувчи кўплаб шахслар юридик маълумот ва тегишли билим ҳамда тажрибага эга бўлмасдан тарафларнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилар эди. Бошқача айтганда, бундай шахслар тегишли фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмай туриб, аҳолига муайян ҳақ эвазига сохта юридик хизмат кўрсатиш йўли билан ноқонуний даромад кўраётган ҳамда қонунларни нотўғри талқин қилгани учун ҳеч қандай жавобгарликни бўйнига олмаган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказаётган эди. Амалиётда бундай сохта адвокатларнинг жиноий жавобгарликка тортилган ҳолатлари ҳам мавжуд.

2009 йил 12 сентябрда кучга кирган **«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги Қонун бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга ҳамда фуқароларнинг малакали юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш учун имкон яратди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддаси 2-қисмида шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладиганлар доираси ҳам белгиланди. Муҳими, судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши белгилаб қўйилди.

Пленумда, шунингдек, **«Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ҳамда **«Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қарорлар лойиҳалари муҳокама қилинди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

2010-yil — Barkamol avlod yili

Спорт — навқиронлик ва баркамоллик элчиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу ерда бадиий ва спорт гимнастикаси билан мунтазам шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилган.

— Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги вақтда бадиий гимнастикага қизиқиш анча кучайди, — дейди мактаб директори Султон Зайнобиддинов. — Мактабга тажрибали ҳамда малакали спорт мураббийларини жалб этганмиз. Ўтган йили мактабимиз тарбияланувчилари мамлакатимизда ўтказилган нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. Бу йил ютуқларни янада кўпайтириш ниятидамиз.

Бугунги кунда мазкур мактабда юздан ортиқ қизлар бадиий гимнастика машғулотларида қатнашмоқда. Бу ерда қизлар 6 ёшдан бошлаб бошланғич тайёрлов гуруҳларига қабул қилинади. Софья Валиева, Феруза Отабоева, Лола Мусафирова ва Нигора Далиева каби тажрибали мураббиялар уларга мазкур спорт тури сирларини ўргатмоқда. Мактаб тарбияланувчилари мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Даша Волкова, Алина Джу, Карина ва Комила Хўжаева, Диёра Мелибоева, Паризода Ҳакимова сингари қизлар умидли спортчилардан ҳисобланади.

— Вилоятимиз қизлари бадиий гимнастика бўйича «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида ҳам совринли ўринларни эгаллаб келмоқда, — дейди мураббий Феруза Отабоева. — Ҳозирда мазкур спорт турини Бешариқ, Қува, Бувайда туманларида ҳам кенг оммалаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бундай ютуқ ва интилишлар Навоий вилояти ёшлари ҳаётида ҳам яққол кўзга ташланади. Маълумотларга кўра, ҳозир Навоий шаҳрида ўн минг нафар қиз спортнинг бир неча тури, жумладан, бадиий гимнастика билан шуғулланмоқда.

Навоий шаҳрида мутахассислардан иборат махсус комиссия тузилиб, ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, қизлар шуғулланадиган спорт турларини, айниқса, бадиий гимнастикани янада такомиллаштириш мақсадида барча спорт мактаблари, клублар ва спорт мажмуаларида яратилган шароитлар ўрганиб чиқилди. Шаҳардаги олтита касб-ҳунар коллежи, иккита академик лицейда, 19 та мактабгача таълим-тарбия муассасаси, учта мактаб ва иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадиий гимнастика машғулотлари олиб борилмоқда. Мазкур муассасалардаги спорт заллари ва машғулот хоналари махсус инвентарлар билан тўлиқ таъминланди.

Вилоят марказидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида икки мингга яқин қиз спортнинг 14 тури билан шуғулланмоқда. Уларнинг 875 нафари бадиий гимнастика секцияларининг аъзоларидир. Замон талаблари даражасида жиҳозланган иккита спорт залида бадиий гимнастика машғулотларини юксак савияда ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Қизларнинг маҳоратини оширишда уларга Замира Ҳақбердиева, Умида Мансурова каби тажрибали мураббийлар ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Бадиий гимнастикачи қизлардан Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Зарина Қурбонова, Феруза Мўминова, опа-сингил Нодира ва Умида Мансурова Учқудуқ шаҳрида ўтказилган «Қизилқум гуллари» мусобақасида олтин ва кумуш медалларини қўлга киритди.

Мухлислар эътирофига сазовор бўлиб келаётган моҳир гимнастикачилар сафида Алия Балгузова, Севинч Очилова, Сабина Наимова, Сабина Зиёдинова ҳам бор. Бу қизларимиз **«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод»** спорт ўйинларида кашф этилган иқтидор соҳибаларидир.

Шу йилнинг март ойида бадиий гимнастика бўйича Бухоро вилояти очиқ биринчилигида икки нафар гимнастикачи, Наманган шаҳрида ўтган III «Олтин водий» анъанавий турнирида уч нафар навоийлик иштирокчи фахрли ўринларни эгаллади. Яқинда шаҳарда Баркамол авлод йилига бағишлаб 1995-2000 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича мусобақа ташкил этилди. Қизғин, муросасиз кечган баҳсларда ёш спортчи қизларнинг маҳорати ва фаоллиги барчани қувонтирди.

Бадиий гимнастика болаликдан маҳорат сирларини ўрганишни талаб этадиган спорт тури. Шуни инобатга олган ҳолда Навоий шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 11-мактабгача таълим-тарбия муассасасида бадиий гимнастика тўгараги очилди. Тўгаракда ёш мураббия Шаҳноза Умрзоқова йигирма нафар қизалоққа илк сабоқларни ўргатмоқда. Машғулот хоналари зарур спорт анжомлари, жажжи гимнастикачиларимиз эса махсус либослар билан таъминланган. Нафис ҳаракат, бетакрор машқларни ўзгача меҳр билан бажараётган қизалоқлар келгусида бадиий гимнастика бўйича нуфузли мусобақаларда пешқадамлик қилаётган опаларининг ўрнини босишига ишончимиз комил.

Гулбаҳор ҲАЗРАТҚУЛОВА,
журналист

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий ҳимояси

амалда самарали таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўрни келганда яна шуни айтиш керакки, тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш Жаҳон моливий-иқтисодий инқирози шароитида янада долзарблашди. Шу боис ҳам Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Жумладан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, улар қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, юртимиздаги маҳсулоти экспорт қилинадиган ва импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқарувчи меҳнат жамоаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилиши лозим. Бу жараён молия-банк орқали имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш, солиқ юкини енгилатиш, хориж сармояси ва технологиясини жорий этиб, ишлаб чиқаришни модернизациялашга кенг йўл очиш ва бошқаларда ўз аксини топади.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тўлиқ бажарилиши муҳим аҳамият касб этади. Бироқ амалиётда тарафлардан бирининг шартнома шартларини бажармаслиги оқибатида иккинчи томоннинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўриш ҳоллари ҳам учраб туради. Айни шу масалада вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига жорий йилнинг биринчи чорагида 23 та ариза ва шикоят келиб тушди. Ушбу аризаларнинг 21 таси кўриб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Масалан, Учкўприк туманидаги хусусий тадбиркор А.Назаров ўз аризасида Андижон вилояти Марҳамат тумани «Йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш» пудрат корхонаси буюртмаси асосида 18 миллион 585 минг 500 сўмлик маҳсулот етказиб берган бўлса-да, маҳсулотнинг 7 миллион 60 минг 500 сўми ҳали-ҳамон тўланмай келаётганлигини баён қилган.

Адлия бошқармаси тадбиркор манфаатларини кўзлаб, Андижон вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд жавобгар — Марҳамат тумани «Йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш» пудрат корхонасидан даъвогар фойдасига жами 9 миллион 531 минг 675 сўм ундириб берди. Худди шу тадбиркорнинг Қашқадарё вилояти Китоб тумани «Йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш» пудрат корхонаси томонидан етказиб берилган маҳсулот учун ҳақ тўлови юзасидан аризаси ҳам адлия кўмагида ижобий ҳал этилди. Қашқадарё вилояти хўжалик судининг қарори билан хусусий тадбиркорга 9 миллион 237 минг 600 сўм асосий қарз ва 739 минг 8 сўм пеня қўшиб ундириб берилди.

Адлия бошқармасининг «Ишонч телефони» ҳам мунтазам равишда ишлаб турибди. Жорий йилнинг 1-чорагида «Ишонч телефони»га 27 марта мурожаат қилинган бўлиб, шулардан 9 таси қаноатлантирилди, 18 таси бўйича мурожаатчиларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Жумладан, Бувайда туманидан фермер хўжалиги раҳбари А.Меликўзиев телефон орқали мурожаат этиб, «Микрокредитбанк»нинг Учкўприк тумани бўлими кредит ажратишда сансалорликка йўл қўяётганини маълум қилган. Ушбу мурожаат ўрганилиб, банк раҳбари номига кўрсатма берилди. Натижада фермер хўжалигига 8 миллион сўм кредит ажратиб берилди.

Умуман айтганда, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатилиши мунтазам равишда ўрганиб борилмоқда. Бу борада 5 та туман-шаҳарлардаги банклар фаолияти текширилганда 234 та қонунбузарлик ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли идора ва ташкилотларга 22 та тақдимнома киритилди.

Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш юзасидан ҳам 50 та қонунбузарлик ҳолати кузатилди. Бу камчиликларни бартараф этиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишни таъминлаш бўйича 5 та тақдимнома киритилди. Натижада давлат солиқ идораларининг 5 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди, 1 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатлашда текширишларни камайтириш, бу жараённинг қонунийлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ушбу йўналишда ўтказилган ўрганишлар давомида назорат идоралари томонидан шу йилнинг 1 апрелига қадар 381 та текшириш ўтказилгани маълум бўлди. Ушбу текширишларнинг 3 таси рухсатсиз бўлса, 15 тасида текшириш ўтказиш тартиби бузилган. Адлия бошқармаси томонидан айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишни сўраб 8 та тақдимнома, 19 та огоҳнома, 11 та маъмурий баённома расмийлаштирилди. Мазкур тақдимномаларга мувофиқ, 4 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ҳал қилувчи омиллардан биридир. Бинобарин, тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, бу соҳа вакилларини эркин фаолият юритишларини таъминлаш иқтисодиётимизнинг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Абдубаноб МАДАЛИМОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи

ГАЗЕТХОН САВОЛ БЕРАДИ...

Muloqot

— Айтинг-чи, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда улушлар қандай тартибда аниқланади?

Л.БЎРОНОВ,
Уйчи тумани

— Оила кодексининг 28-моддасига асосан, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади. Вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, суд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз ҳоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

— Айтинг-чи, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби қандай бўлади?

Р.ПИРМАТОВА,
Фориш тумани



— Оила кодексининг 24-моддасига мувофиқ, эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эга.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади.

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмагани сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Qilmish-qidirmish

Ҳалоллик —

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бу соҳа вакилларининг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш банклар томонидан имтиёзли асосда кредитлар ажратилаётгани бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Аммо фидойи, ҳар доим янгиликка интилиб яшаб, эл-юрт манфаатини кўзлаб фаолият юритаётган тадбиркорлар орасида мавжуд имкониятлардан ўринли фойдаланмайдиган, энг ёмони, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган кимсалар борлиги кишини таажжубга солади.

Шерободлик Баҳодир Давлатов ҳам ана шундай кимсалар тоифасига к[illegible]ди.

Аслида фаолияти қурили[illegible]ериаллари ҳамда эҳтиёт қисмлари савдосини йўлга қўйишга йўналтирилган «Зуҳриддин Баҳодир ўғли» хусусий фирмаси раҳбари Баҳодир Давлатовнинг кўнгли қай йўл билан бўлмасин, фирма ҳисобига банкдан кредит маблағи олиб, пулни-пулга уриштириб, бирданига бойиб кетишни тусаб қолди.

«Бунга имкониятларим етади, гаровга қўйиш учун техника ҳам бор», — деб ўйлади Баҳодир.

Шундай ўйлардан сархуш бўлган Баҳодир АТ Агробанк (собиқ «Пахтабанк»)нинг Сурхондарё вилояти минтақавий филиалига йўл олди. У янгилишмаган экан. Бу ердаги таниш-билишлари ҳам унинг жонига оро кирди. Тез орада барча ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шундан сўнг Б.Давлатовга банкнинг кредит шартномасига биноан 20 фоиз устама билан 18 ой муддатга йигирма миллион сўм кредит маблағи ажратилади.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек амалга оширилган эди. Аслида ҳам шундай. Фақат энди Б.Давлатов кредит маблағини бизнес режага кўра, мақсадли йўналтирса, ортиқча баҳс-мунозарага ҳожат қолмайди. Афсуски, бундай бўлмади. Нафс қутқусига учган Баҳодир ҳамтовоқлари билан ўзаро тил бириктириб, ушбу маблағни кредит ҳисоб рақамидан «Агробанк»нинг Сурхондарё минтақавий филиали мижози бўлган «Хож Шер» хусусий фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборди.

Шундан сўнг ушбу фирмадан сохта ҳужжатлар орқали йигирма миллион сўмлик қурилиш материаллари олди. Аммо бу материалларни фирма ҳисобига кирим қилмай таниши Раҳим Авазовга ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиб юборди, пулини эса чўнтакка урди.

Huquqiy ma`rifat

Исботлаш тамойиллари

уларнинг аниқлиги фуқаролик ишларининг самарадорлигини таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу боис ҳам амалдаги фуқаролик процессуал қонунчиликда судья ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли эканлиги мустаҳкамланган. (ФПКнинг 15-моддаси).

Шу ўринда масаланинг иккинчи жиҳатига ҳам эътибор қаратиш лозим. Меҳнат шартномасида иш берувчи корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини бошқарар экан, ходимларнинг меҳнат сифатини ва иш миқдорини назорат қилади, корхона мулки ёки бошқа қимматликларнинг сақланиши ва ишлатилишини текширади ҳамда уларнинг ҳисоб-китобини юритади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун етарли имкониятга, яъни ишлаб чиқариш техникавий ва бошқарув аппаратига эга бўлган иш берувчида ходимдан фарқли равишда, етказилган зарар тўғрисидаги аниқ маълумотлар, яъни зарар миқдори ва уни етказишда ходимнинг айби, унинг вужудга келиш сабаблари ва шароитлари тўғрисида маълумотлар етарли бўлади.

Шунингдек, иш берувчи ходимга нисбатан далилларни тўплашда кўпроқ имкониятларга эга бўлиши билан бир қаторда, меҳнат низоси бўйича далиллар базасини юзага келтира олади. Мазкур ҳолат меҳнат низосини судда кўриш жараёнида, айниқса, ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган бўлса, яққол кўзга ташланади.

Судларнинг иш юзасидан далилларни тўплашга қаратилган фаолиятига оид хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, иш бўйича исботлаш борасида суд ваколатлари ҳар бир давлат қонунчилигида турлича ва ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, Германияда суд талабнома юбориш орқали тарафларга ишга доир моддий-ҳуқуқий ва процессуал фактларни тасдиқлаш учун барча далилларни тақдим этишни таъминлашга кўмаклашиши шартлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, суд ўз ташаббуси билан тарафлардан қўшимча далиллар тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатга оид етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги низолар бўйича тарафларнинг тортишуви бўйича имкониятларнинг тенг эмаслиги ушбу тоифадаги ишларни судда кўришда гувоҳлар асосан ушбу ташкилотда ишлайдиган турли даражадаги раҳбарлар, меҳнат ташкилотининг бўлим мутахассислари, ҳисобчилар ва бошқа ходимлар бўлиши мумкинлиги билан ҳам изоҳланиши мумкин. Аксарият ҳолатларда иш берувчи судда ходимнинг даъво талабларига қарши ўз эътирозларини хизмат юзасидан тобе бўлган юқоридаги гувоҳларнинг кўрсатмалари билан асослашга ҳаракат қилади. Чунки меҳнат низоси бўйича юзага келган мавжуд ҳолатга шоҳид бўлган деярли барча шахслар иш берувчининг таъсирида бўлиши табиий. Шу мақсадда, фикримизча, иш берувчи ходим билан бўлган меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаган бўлса, иш берувчи гувоҳ кўрсатмалари орқали ўз талаб ёки эътирозларини асослаш имкониятидан маҳрум этилиши керак.



Шу ўринда Фуқаролик процессуал кодексининг 59-моддаси талабларидан келиб чиқиб, қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларни бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида амал қилиши лозим. Шундай экан, гувоҳ тариқасида ишга жалб этилган меҳнатни ташкил этиш бўлимининг ходими судда кўрилаётган иш ҳолатлари бўйича эмас, балки судга локал ҳужжатни тушунтириб бериш ҳақида кўрсатмалар берсагина, уни иш бўйича гувоҳ сифатида тан олиш мумкин бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаролик иши бўйича исботлаш воситаларининг аксарияти иш берувчининг ихтиёрида бўлади. Лекин меҳнат қонунчилиги ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва қонунийликни таъминлаш мақсадида иш берувчи зиммасига меҳнат муносабатларига доир бир қатор ҳужжатларни ёзма равишда расмийлаштириш мажбуриятини юклайди. Хусусан, ходим билан меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши (Меҳнат кодексининг 74-моддаси биринчи қисми), ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши (Меҳнат кодексининг 82-моддаси биринчи қисми), иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши (Меҳнат кодексининг 102-моддаси биринчи қисми), интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши (Меҳнат кодексининг 182-моддаси иккинчи қисми) шулар жумласидандир.

Бундан ташқари Меҳнат кодексининг 82-моддасида ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши ҳамда буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олиниши, 108-моддада эса, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шартлиги белгилаб қўйилган. Бу талаб, ўз навбатида, ходимларнинг ишга оид далилларни тўплаши учун қулай имконият яратади. Лекин шундай бўлсада, иш берувчининг меҳнат билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни ходимга тақдим этиш тартиби ва муддатини белгилайдиган махсус меъёр меҳнат қонунчилигида ҳали мавжуд эмас. Ходимнинг меҳнат низоларини ҳал этилишини сўраб судга мурожаат қилиш муддатининг қисқа эканлигини назарда тутиб ҳамда ходимнинг иш бўйича исботлаш воситаларини тўплашда иш берувчи билан бир хил имкониятга эга бўлишини таъминлаш мақсадида бизнингча, Меҳнат кодексининг 108-моддасида ходимнинг (шу жумладан, собиқ ходимнинг) ёзма равишдаги аризасига мувофиқ, иш берувчи унга ариза тақдим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай меҳнат билан боғлиқ ҳужжатларнинг нусхасини беришга мажбур эканлиги, мазкур ҳужжатларнинг нусхалари белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши ҳамда ходимга бепул тақдим этилиши шартлиги тўғрисида меъёр белгиланиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролик процессининг йўл қўйилган элементи бўлмиш судларнинг ишга доир далилларни тўплаш ваколати тарафларнинг тортишув ва эркин ҳуқуқлилик тамойилларига асосланади. Иккинчидан, суднинг мазкур ваколати ишда иштирок этувчи шахсларнинг исботлаш бўйича процессуал фаолиятини чекламайди, аксинча, тўлдиради. Учинчидан, ишга доир далилларни тўплашга суднинг ваколатли бўлиши судда иш кўришнинг тезкорлиги ва кам харажатлилигини таъминлайди.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари доктори

Fuqarolik qonunchiligi

Етказилган зарар

уни суд тартибида ундириш асослари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маънавий зарар фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматини камситадиган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатиш, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституция билан кафолатланган бошқа ҳуқуқларини бузиш орқали етказилиши мумкин.

Маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда Олий суд Пленумининг **«Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий зарар уни етказишда айбдор бўлган жавобгарлар томонидан қопланади ва уни қоплаш номоддий бойликларни ва номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Фуқаролик процессуал қонунчилиги қоидасига кўра, аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки ишлаётган жойдаги судга берилади.

Аммо шу билан бирга қонун зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича судга тақдим қилишнинг алоҳида турларини ҳам белгилаб қўйган. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддаси талабларига мувофиқ, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар даъвогар ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Шунингдек, қонунчиликдаги жиноят туфайли етказилган зарарлар тўғрисидаги фуқаролик ишининг судловга тааллуқлилиги қоидасига кўра, жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўрилаётганида арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга таалуқлилигига доир умумий қоидаларга биноан тақдим этилади.

Даъво аризани қўзғатиш ва даъво аризада келтирилган талабларни асослаб бериб, буни тасдиқлайдиган далиллар тақдим қилиниши ишни кўраётган судья ва тарафлар учун ишни ўз вақтида, ҳар томонлама кўриб чиқишга имкон яратади ва тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тиклашга хизмат қилади.

Бу ҳолат Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасида аниқ келтирилган бўлиб, унга кўра, даъвогар томонидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилинганда даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни келтириши даъвогарнинг мажбурияти ҳисобланади.

Бу борада Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги **«Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»** қарори далилларни қабул қилиш, уларга баҳо бериш, ишни тўғри ташкиллаштириш ва адолатли ҳамда қонуний қарор қабул қилинишида алоҳида аҳамиятга эга.

Даъвогар Д.Мавлонова судга мурожаат қилган даъво аризасида О.Мажидов маст ҳолда автомашинасини бошқариб, автоулов ҳодисаси содир этиши натижасида турмуш ўртоғи М.Ражабов вафот этганлиги, уч нафар вояга етмаган фарзанди билан боқувчидан айрилиб оғир аҳволда қолганлиги, жавобгар умуман ёрдам бермаганлигини таъкидлаб, жавобгардан маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди кассация инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Кармана туманлараро судининг 2009 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Д.Мавлонованинг жавобгар О.Мажидовга нисбатан етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилган. О.Мажидовдан даъвогар Д.Мавлонова фойдасига 5.000.000 сўм маънавий зарар ва шунга мутаносиб равишда давлат божлари ундирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг ҳуқуқи қонун ҳимоясида бўлиб, уни бузишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ихтиёр ҚОСИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг раиси ўринбосари

Saboq

Инсонни тўғрилик юксалтиради

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Навоий шаҳридаги коллежларнинг бирида таҳсил оладиган А.Ю. ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ҳовли деворидан ошиб, Н.Х.нинг уйига киради. Шу тариқа у Н.Х.нинг 375 минг сўм миқдоридаги мол-мулкини ўмариб, воқеа жойидан яширинади.

Вояга етмаган А.Ю. ушбу қилмиши билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «г» бандида кўрсатилган **«Ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкини уй-жойга ғайриқонуний кириб, яширин равишда талон-торож қилиш»** жиноятини содир этди. Орадан бир кун ўтиб, А.Ю.нинг қилмиши фош бўлди. У жабрланувчига ўғирлик йўли билан олган нарсаларини тўлиқ қайтарди.

Ўн олти ёшли ўспирин жиноятга қўл урди. Хўш, унинг бундан кейинги тақдири қандай кечади? Энди ана шу савол атрофида қонунларимиздаги мезонларга тўхталамиз.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, агар судланувчи айбига иқрор бўлиб, қилмишига пушаймонлик билдирса, етказилган зарарни тўлиқ қопласа, суд Жиноят кодексининг 55-моддасига кўра, судланувчининг вояга етмаганлигини ва муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топади.



Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги **«Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарори 6-бандида **«Судларга ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 88-моддасида кўрсатиб ўтилган мажбурлов чораларини кенгроқ қўлланиши уқтирилсин.**

Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмида кўрсатилган асослар билан вояга етмаган шахсни жазодан озод этиш ва унга нисбатан шу кодекснинг 88-моддасида кўрсатилган мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан суд жазо тайинламасдан туриб жазодан озод этиш ҳақида ҳукм чиқаради» деган рахбарий тушунтириш берилган.

Биринчи босқич суди қонун талабларидан келиб чиқиб, судланувчи А.Ю.ни Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «г» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди ва Жиноят кодексининг 87-моддаси 2-қисмига асосан жазодан озод қилди. Бундан ташқари Жиноят кодексининг 88-моддаси 1-қисми «а» бандига кўра, вояга етмаган А.Ю. га жабрланувчи Н.Х. дан суд залида оғзаки равишда узр сўраш мажбуриятини юклаб, ҳукм ўқиди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, қонунларимиздаги одиллик ва инсонпарварлик оқибатни ўйламай қалтис ишга қўл урган, сўнг қилмишидан пушаймон бўлган вояга етмаган шахсга мурувват кўрсатди. Унинг қилган хатосидан сабоқ чиқариб, келгусида тўғри йўлга тушиб олишига изн берди. Вояга етмаган шахсга нисбатан қонунларимизнинг бундай одиллик кўрсатиши А.Ю. сингариларнинг келгусида эртанги кун масъулиятини чуқур ҳис этадиган, билимли, зукко, қобилиятли, шижоатли ёшлар сафига қўшилиб олишларига имконият деб тушунилса, янада тўғрироқ бўлади.

Бобошер ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти суди раисининг ўринбосари

Huquqiy savodxonlik sari

Даъво муддати

у қачон ва қандай тартибда қўлланилади?

Фуқаролик кодексининг 149-моддасига биноан даъво муддати — шахс ўзининг ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Умумий даъво муддати кодекснинг 150-моддасида кўрсатилганидек, уч йилдир.

Қонунда умумий даъво муддати ва махсус даъво муддатлари назарда тутилган. Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

Масалан, Меҳнат кодексининг 270-моддасига биноан меҳнат низолари бўйича қўйидаги муддатлар белгиланган: ишга тиклаш ҳақидаги низолар бўйича – ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида; ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича — иш берувчи томонидан етказилган зарарни аниқлаган кундан бир йил мобайнида; бошқа низолар бўйича — ходим ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан — уч ой муддат ичида.

Қонунда, шунингдек, даъво муддати жорий қилинмайдиган ҳолатлар ҳам назарда тутилган. Фуқаролик кодексининг 163-моддасида айнан шу ҳолатлар қайд этилган. Булар қуйидагилардан иборат: шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш, (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно); омонатчиларнинг банкдан ўз омонатларини бериш; фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш; жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш; мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузилишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузилишларни бартараф этиш; мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматига эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга.

Қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга, масалан, меросга бўлган ҳуқуқ бўйича низоларга Фуқаролик кодексининг 153-моддасига биноан бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъий назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Гулсум ШУКУРОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг судьяси

умр зийнати

нопоклик эса киши шаънига доғ туширади

Шунингдек, Б.Давлатов етти миллион сўмлик қурилиш материалларини аҳолига нақд пулга сотиб, маблағни ўзаро келишувга кўра, «Агробанк»нинг собиқ ходими Нурилла Исломовга беради. Нурилла Исломов эса ўзининг банкнинг масъул ходими эканлигини мутлақо унутиб қўйиб, маблағнинг фақатгина беш миллион сўмини банкка кирим қилади, қолган икки миллион сўм пулни шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Қисқаси, Б.Давлатов кредит олишдан кўзланган режаси бир ёқда қолиб, давлат сармоясини ана шу аснода ҳавога совуради. Орадан кўп ўтмай Б.Давлатов раҳбарлик қилаётган фирма фаолияти аудиторлик ташкилоти томонидан тафтиш қилинганда, банкдан олинган кредит маблағининг 15 миллион 243 минг (устама фоизи билан) сўми қайтарилмасдан кетинаётгани маълум бўлди. Ушбу катта миқдордаги қарздорлик хусусида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб ваколатли идораларга тақдим этилди.

Бу ҳаётда тўғрилик қолиб, нопоклик йўлини танлаган киши, албатта, янглишади. Баҳодир ҳам ўзининг ғаразли, пуч ниятларини амалга ошириш учун қинғирлик йўлини тутди. Оқибатда эса кирдикорлари фош этилиб, юзи шувут бўлиб қолди.

Суд судланувчи Б.Давлатовнинг барча қилмишларини атрофлича ўрганиб чиқиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандларига асосан жазо тайинлади.

Шунингдек, судланувчидан кредитнинг тўланмаган қарздорлик қисмини ундириб олишни лозим топди.

Ҳа, алдов ва товламачилик йўли билан бойлик орттириш илинжида давлат манфаатларига кўп миқдорда моддий зарар етказган Баҳодир Давлатов ўзининг қилмишлари жазосини тортадиган бўлди.

Машраб НУРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Шеробод тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo

Йўлда ҳушёрлик зарур

шунда ҳар хил кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларга ўрин қолмайди

Ҳаёт тасодифларга тўла, дейишади. Тўғри, ҳаётда доим ҳам инсоннинг истагани содир бўлавермай, кутилмаган ҳодисалар-да рўй бериб туради. Аммо умр йўлининг кутилмаган ўзанларга бурилиб кетишига аксар ҳолларда одамнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари сабаб бўлиши тўғрисида кўп ҳам ўйлаб кўравермаймиз.

Суд очерки

Жавлон Ботиров (исм-шарифлар ўзгартирилди) Жомбой туманидаги автомактабда ишлар, ҳайдовчиликка иштиёқманд кишиларга автомобиль бошқариш ва йўл қоидаларидан сабоқ берарди. Автомактаб маъмурияти буйруғи билан Жавлонга «Тико» русумли автомашина биркитилган, у ана шу машинада амалиёт машғулотларини олиб борарди.

Табиийки, бировга дарс берадиган киши айтадиган ҳар бир сўзи учун ўзида маънавий ҳуқуқ сезиши, уқтирадиган ёки ишлаётган жойдаги судга берилади.

Аммо шу билан бирга қонун зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича судга тақдим қилишнинг алоҳида турларини ҳам белгилаб қўйган. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддаси талабларига мувофиқ, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар даъвогар ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Шунингдек, қонунчиликдаги жиноят туфайли етказилган зарарлар тўғрисидаги фуқаролик ишининг судловга тааллуқлилиги қоидасига кўра, жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўрилаётганида арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга таалуқлилигига доир умумий қоидаларга биноан тақдим этилади.

Даъво аризани қўзғатиш ва даъво аризада келтирилган талабларни асослаб бериб, буни тасдиқлайдиган далиллар тақдим қилиниши ишни кўраётган судья ва тарафлар учун ишни ўз вақтида, ҳар томонлама кўриб чиқишга имкон яратади ва тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тиклашга хизмат қилади.

Бу ҳолат Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасида аниқ келтирилган бўлиб, унга кўра, даъвогар томонидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилинганда даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни келтириши даъвогарнинг мажбурияти ҳисобланади.

Бу борада Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги **«Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»** қарори далилларни қабул қилиш, уларга баҳо бериш, ишни тўғри ташкиллаштириш ва адолатли ҳамда қонуний қарор қабул қилинишида алоҳида аҳамиятга эга.

Даъвогар Д.Мавлонова судга мурожаат қилган даъво аризасида О.Мажидов маст ҳолда автомашинасини бошқариб, автоулов ҳодисаси содир этиши натижасида турмуш ўртоғи М.Ражабов вафот этганлиги, уч нафар вояга етмаган фарзанди билан боқувчидан айрилиб оғир аҳволда қолганлиги, жавобгар умуман ёрдам бермаганлигини таъкидлаб, жавобгардан маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди кассация инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Кармана туманлараро судининг 2009 йил 28 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Д.Мавлонованинг жавобгар О.Мажидовга нисбатан етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилган. О.Мажидовдан даъвогар Д.Мавлонова фойдасига 5.000.000 сўм маънавий зарар ва шунга мутаносиб равишда давлат божлари ундирилган.

Ёдолиб, Турғун ва Қулмуродни учратиб қолди. Улар ҳам машинаси бор танишга дуч келгач, қувониб кетишди. Хуллас, устани кутиб ўтирган Жавлон танишларини машинага чиқариб, Ёдолибнинг уйига йўл олди. Тўйдан ширакайф бўлиб чиққан улфатлар «суҳбат»ни уйда давом эттирдилар. Ўзининг машина ҳайдаши лозимлигини ҳам унутган Жавлон узатилган қадаҳни қайтармади...

(Давоми тўртинчи бетда)

Mulohaza

Оила мустаҳкамлиги

миллат соғломлигининг асосий омилидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

— Оила ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялансагина мустаҳкам бўлади, — **дейди Адлия вазирлигининг нотариат, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор ЁҚУБОВА.** — Шу боис ҳам Асосий қонунимизда оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, дея эътироф этилган. Ушбу конституциявий меъёрнинг амалда ифодасини топишида оила ва унинг аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида тўлиқ қамраган Оила кодекси муҳим аҳамият касб этмоқда. Унда **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш»** қоидаси акс эттирилгани соғлом оилаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Ушбу кодекснинг 17-моддасида никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиши, тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши мустаҳкамланган.

Қайд этиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»**ги қарори асосида юртимизда 2004 йил 1 январдан бошлаб барча никоҳланувчи шахслар руҳий, наркологик касалликлар, тери-таносил, сил касалликлари ва ОИВ (ОИТС) бўйича тиббий кўрикдан ўтиши йўлга қўйилди. Низомга кўра, тиббий кўрикдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббий муассасага мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак.

Мамлакатимизда оила қуриш арафасидаги ёшлар бир-бирининг саломатлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш, тиббий кўрик пайтида аниқланаётган айрим хасталикларнинг никоҳдан аввал даволанишига эришилаётгани келгусида бефарзандликнинг, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган бола туғилишининг олдини олишга, никоҳланувчилардан бирининг соғлиғи билан боғлиқ нохушликлар боис ажрашишларнинг камайишига эришилмоқда. Амалга оширилаётган бундай изчил чора-тадбирлар туфайли юртимиз ҳозирги кунда оналик ва болалик муҳофазаси бўйича жаҳонда етакчи ўрингга кўтарилди.

Бунда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки янги оила мазкур идоралар томонидан никоҳ қонуний расмийлаштирилганида вужудга келади. Таҳлилларга кўра, 2009 йилда уч юз мингга яқин, жорий йилнинг ўтган даврида эса эллик мингдан ортиқ қонуний никоҳ қайд этилган. Соҳа ходимлари уларнинг тиббий кўрикдан ўтишига алоҳида эътибор билан қараш баробарида уларни оилавий муносабатларга, ота-она бўлишга тайёрлашга ҳам ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда республикамиздаги барча ФҲДЁ идоралари ва никоҳ уйларида «Ёш оила мактаби» фаолияти йўлга қўйилган.

— Бу ерда келажакда оила бекаси, она сифатида билишим зарур бўлган кўп нарсаларни ўргандим, — **дейди пойтахтимиздаги «Наврўз» никоҳ уйи «Ёш оила мактаби» аъзоси Севара Зокирова.** — Дастлабки машғулотларда тиббий кўрик моҳияти батафсил тушунтирилгани бу масалага жиддий ёндашишимизга сабаб бўлди. Тиббий муассасаларда бўлажак турмуш ўртоғим билан бирга кўрикдан ўтиб, бир-биримизнинг саломатлигимиз ҳақида билиб олганимиз ўзаро ишончимизни янада мустаҳкамлади. Келажакда соғлом фарзандларнинг ота-онаси бўлишимиз мумкинлигини билиш бизни жуда қувонтирди.

Соҳа ходимлари нафақат оила қураётган ёшлар, балки аҳолининг барча қатламлари орасида баркамолликка эришиш борасида уларнинг масъуллиги масаласига бағишлаб кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Таълим даргоҳларида тиббий кўрик, оила қуриш, уни мустаҳкамловчи омиллар, ота-оналик масъулияти, фарзанд тарбияси каби масалалар бўйича ахборот-таълим дастурлари амалга оширилмоқда.

Тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган бундай тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ёшларимизда тиббий кўрикка нисбатан қизиқиш ошаётир. Таҳлилларга назар ташланса, 1999 йилда расмий никоҳдан ўтаётган келин-куёвларнинг тўйдан олдин тиббий текширувдан ўтиш даражаси 40-50 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич юз фоизга етди.

Аммо шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, соғлом оиланинг яна бир энг муҳим омилларидан бири — оила қураётган ёшларнинг тўлиқ балоғатга етишидир. Чунки йигит, аёл ҳали ўсмирлик даврини ниҳоясига етказмасдан, ҳаётнинг мураккаб синовларини ўз ҳаётлари мисолида ўтказиб, ҳаётий тажрибага эга бўлмасдан, ҳеч иккиланмасдан никоҳ ва оилавий ҳаётга қадам қўйиши, ҳеч иккиланмасдан никоҳ ва оилавий ҳаётга қадам қўйиши нафақат бўлажак фарзанди, балки унинг ўзи учун ҳам анча хавфли ҳисобланади. Аммо буни чуқур тушуниб етмаётган айрим ота-оналарнинг ҳали балоғат ёшига етмаган қизларини турмушга бериш ҳоллари учраб турибди.

— Бундайлар, албатта, қонунларни четлаган ҳолда шаръий никоҳ орқали тўй қилишга ҳаракат қилишади, — **дейди Д. Ёқубова.** — Чунки улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларига мурожаат қилишса, бундай тўйнинг олди олинишини яхши билишади. Аммо шунга қарамай, адлия ходимларининг жойлардаги маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги натижасида жорий йилнинг ўтган даврида етмишдан ортиқ ана шундай ҳолатнинг олди олинди. Мисол учун Андижон вилоятининг чекка қишлоқларида бирида ҳали 17 ёшга тўлмаган қизнинг фотиҳа тўйи бўлганидан хабар топдик. Дарров маҳалла фаоллари ҳамроҳлигида қизнинг ота-онаси билан учрашдик. Ҳам оила билан боғлиқ ҳуқуқий ҳолатлар, ҳам қизнинг ҳаёти учун муҳим тиббий асослар ҳақида батафсил тушунтирилганидан сўнг улар фарзандининг келажагини ўйлаб фикридан қайтишди.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги муҳим мақсади — бахтли оила қуриш, соғлом фарзандларни тарбиялаш ва уларнинг камолини кўришдир. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган изчил тадбирлар айни шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Инсоннинг энг гўзал, энг тўғри ва энг жиддий меъёри ҳаё ва одобидир.

* * *

Бошқа одамнинг сирини сенга айтувчидан сақлан, чунки у сенинг сирингни ҳам бошқаларга айтиб беради.

* * *

Молу дунё кўплиги бойлик эмас, кўнгил тўқлиги бойликдир.

* * *

Киши ўз бахтини бошқаларнинг бахтига қараб ўлчайди.

* * *

Ўзини гуноҳ ва ёмон хулқдан сақлай олмаган кишига илм фойда бермайди.

* * *

Машаққатсиз келган роҳат тузсиз ошга ўхшайди.

Maslahat

Ишнинг сифати

жавобгарликка қандай ёндашишга боғлиқ

Қурилиш объектини қуриб, фойдаланишга топшириш ўз зиммасига олган пудратчидан ишнинг сифатини талаб қилиши табиий ҳол. Негаки, қурилиш ишлари юзасидан буюртмачи билан пудратчи ўртасида шартнома тузилдими, демак, ишнинг сифати бўйича жавобгарлик пудратчининг зиммасига тушади. Бу Фуқаролик кодекси, шунингдек, қурилишга доир тартиб-меъёрларда аниқ ўз ифодасини топган.

Пудратчи қурилиш пудрати шартномасида, қурилиш лойиҳасида ва тарафлар учун мажбурий бўлган қурилиш меъёрлари ҳамда қоидаларида кўзда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйгани ва қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларига эришилмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади. Бино ёки иншоот реконструкция қилинганда, яъни қайта қурилган, реставрациядан чиқарилган, янгиланганда бино ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, ишончлилиги йўқолгани ёки пасайгани учун жавобгарлик пудратчи зиммасига тушади.

Пудратчи буюртмачининг розилигисиз лойиҳа ҳужжатларидан буюртмачининг жиддий манфаатларига таъсир қилмайдиган тарзда озгина четга чиқса, аммо бу ҳол қурилишнинг сифатига таъсир этмаганини исботлаб берса, жавобгар саналмайди.

Баҳодир БЕРДИЁРОВ,
Зомин тумани давлат нотариал идораси нотариуси

Tafakkur gulshani

Маҳмуд САТТОР

Нега шундай деймиз?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Яхшини кўриб фикр қил, ёмонни кўриб шукур қил.

Бу мақол «ҳаётда ақлфаросатингни ишга солиб яхшилардан ибрат олиб яшагин, ёмонларга ўхшамаганинг, уларнинг сафига қўшилиб қолмаганингга шукур қил», деган панд-насиҳат маъносида қўлланади. Ушбу мақол одамларни яхшиликка чақириши, инсонпарварлиги, ҳаётийлиги билан аҳамиятлидир. Мазмун жиҳатидан ўзбекона руҳиятни ифодалашига кўра, алоҳида ажралиб туради.

Муқобили: «Олдингдагини кўриб фикр қил, ортингдагини кўриб шукур қил».

* * *

Ўз уйим — ўлан тўшагим.

Бу мақол билан «Бировнинг миннатли уйида, юмшоқ тўшакларда ётиргандан кўра, қаттиқ ботса ҳам ўз уйингда ётирганинг яхши», демоқчи бўлишади. Мақол ҳар кимга ўз уйжойи, она юрти, Ватани нақадар қадр-қимматли эканини ифодалайди.

Муқобиллари: «Ўз юртингнинг қадри ўзга юртда билинади», «Туққан ерга туғинг тик» ва ҳоказо.

Huquq va burch

Бировнинг мулки

унга қасддан шикаст етказиш жавобгарликка олиб келади

Азиза Собирова (исмлар ўзгартирилган) турмуш ўртоғи билан йиққан маблағини жамлаб, машинаси сотиб олишди. Аммо уларни бир муаммо ўйлантирарди. Гап шундаки, кўп қаватли уйда яшашгани боис уларнинг машинани сақлаш жойи йўқ эди.

Машинани олиб келишганида барча уларнинг хурсандчилигига шерик бўлди. Йўқлаб келган меҳмонлар орасида Адиба Мамадалиева машина эгаларининг муаммоларини ечишда ёрдам берди. Чунки унинг ота-онаси ҳам шу яқин ўртада истиқомат қиларди. Уларнинг машинаси бўлмаса-да, гаражлари бор эди. Адиба ота-онаси билан гаплашиб, машинани сақлаш жойидан фойдаланиб туришга рухсат олиб берди.

Азизанинг турмуш ўртоғи машина ҳайдашни унчалик билмасди. Шу сабабли машина анча вақт гаражда туриб қолди. Буни Адиба яхши биларди. Ҳасанжон ишдан бўшаганидан сўнг Адиба турмуш ўртоғи билан қўшнининг машинасидан вақтинча фойдаланиб туришни маслаҳатлашишди. Эртаси куни Адиба Азизаларнинг розилигини олди ва Ҳасанжон ишончнома орқали машинани ҳайдаб тирикчилик қилиб юраверди.

Фалокат оёқ остида, деган гап бор. Ҳасанжон машинани ҳайдаб кетаётиб, йўл транспорт ҳодисасини содир этди. Унинг ўзига-ку, жароҳат етмади, аммо машинанинг ён қисми пачоқ бўлди. Аввалига Азиза ва унинг турмуш ўртоғи қўшниларининг машинани таъмирлаб беришини кутишди ва бир неча бор уларни огоҳлантиришди. Шундай бўлса-да, Ҳасанжон машинани устага олиб боришни парвойига келтирмади. Ҳафсаласи пир бўлган қўшнилар охир-оқибат даъво аризаси билан судга мурожаат этди. Суд ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, зарарни қоплаш тўғрисида қарор чиқарди. Лекин энди Ҳасанжон қорасини кўрсатмай қўйди.

Тоқати тоқ бўлган Азиза Собирова яна судга мурожаат қилди. Ишни қайта кўрган суд зарарни қоплашни мулкка қаратиб, Ҳ.Мамадалиевнинг номида бўлган Муқимий номидаги шаҳарчадаги 10-уй 3-хонадонни А.Собирова номига ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди.

Бу орада Азиза ҳам турмуш ўртоғи билан келишолмай ажрашганди. У Муқимий шаҳарчасидаги 10-уй 3-хонадонни ўзининг номига расмийлаштирганидан сўнг шу хонадонга кўчиб ўтиб яшай бошлади. Орадан вақт ўтиб Ҳ.Мамадалиев Азизани турли йўллар билан уйдан чиқариб юборди. Шундан сўнг А.Собированинг кўнглидаги адоват кучайиб, қўшнисидан ўч олишни ўйлай бошлади.

У тунги соат 12.00ларда Қўқон шаҳри Т.Ибрагимов кўчаси 15-уйга келиб, Ҳ.Мамадалиевнинг мулкига қасддан шикаст етказиб, нобуд қилиш мақсадида хонадонга ўт қўйиб юборади ва воқеа жойидан қочиб кетди.

Бироқ А.Собирова бу билан ҳам тинчимай, жиноий ҳаракатини давом эттириб, Ҳ.Мамадалиевга қарашли аввал ўзи яшаган Муқимий номидаги шаҳарчадаги 10-уй 3-хонадонга ҳам ўт қўйиб юборди. Аммо бундан Б.Тўраев зарар кўрди. Чунки анча аввал Ҳ.Мамадалиев уйни Б.Тўраевга сотиб юборган эди.

А.Собирова ўзининг бу қилмишлари билан Ҳ.Мамадалиевга 1,5 миллион сўм, Б.Тўраевга 400 минг сўм зарар етказди.

Суд ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, А.Собировага 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳ.Мамадалиев машинани вақтида таъмирлаб бериб, қўшнисининг яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтарганида ўзи ҳам шунчалик зарар кўрмаган бўларди. А.Собирова ҳам бу ишларни қонуний амалга оширганида қўни-қўшнилар ўртасида боши хам бўлиб қолмасди.

Музаффар МАРАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани судининг раиси

Jinoyat va jazo

Йўлда ҳушёрлик зарур

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Кайфи ошиб қолган Жавлоннинг хаёлига уста тушгач, кетишга чоғланди. Шунда Ғолиб: «Синглимнинг уйига боришим керак, куёвим Шуҳратда ишим бор», деганидан сўнг ҳаммалари яна машинага ўтиришди. Тўрталаси чақчақлашиб Шуҳратнинг уйига боришди. Ғолиб уйга кириб кетди. Шу пайт Жавлон шерикларига: «Машинани орқага суриш керак, ўт олдираман», деди. Турғун билан Қулмурод машинани орқага итаришди. Бирдан мотори ўт олган машина орқага шитоб билан юриб кетди-ю... шу ердан қорамол етаклаб ўтаётган Саломат опани уриб юборди. Жабрланувчи Саломат Тоғаева Ғолибнинг синглиси – Фароғатнинг қайнонаси эди. Оёғидан жароҳат олган Саломат опани тезда машинага чиқариб, бир ёнига Фароғат, бир ёнига Ғолиб ўтириб, шифохонага жўнашди.

Шу ўринда ушбу нохуш воқеанинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида бироз мулоҳаза юритсак. Юқоридаги кўнгилсизликнинг асосий айбдори, албатта, Жавлон эди. Чунки у спиртли ичимлик ичмаганида ҳушёрликни йўқотмас, ўз навбатида, машинани дарҳол тўхтатишга улгурган, оқибатда Саломат опа ҳам жароҳат олмаган бўлар эди. Аммо энди бўлар иш бўлди, ғишт қолипдан кўчди. Таассуфки, ушбу кўнгилсизлик шу билан тугамади. Сабаби боши деги қизил рангли «Тико» чиқиб қолди. Бу ўша — Жавлон Ботиров шифохонага кетаётган машина эди. Масофа жуда яқин қолгани боис юк машинаси ҳайдовчисининг рулни кескин чап-ворга урилганига қарамай машина рулига яна Жавлон ўтирган эди...

Жомбой туманидан йўлга чиқиб, Ургутга юк олиб кетаётган «ГАЗ-5228» русумли юк машинаси кабинасида машина эгаси Ғофир Тошбековдан ташқари Эрали Дўстмуродов ҳам бор эди. Бир пайт юк машинаси йўлидан тўсатдан катта тезликда-га бургани ҳам фойда бермади...

Тўқнашув оқибатида С.Тоғаева, Ф.Бобоева ва Ғ.Бобоев ҳаётдан кўз юмишди. Ж.Ботиров, Ғ.Тошбеков ва Э. Дўстмуродов турли даражада тан жароҳати олди.

Амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг бир қатор талабларини қўпол тарзда бузган Жавлон Ботиров ўзига ортиқча ишонгани, қалтис ҳаракатга йўл қўйгани оқибатида фожиа келиб чиқди. Ичкилик касри эса унга ҳам, ўзгаларга ҳам урди.

Суд Ж.Ботировни Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-, 3-қисмлари билан айбдор деб топди. Унга нисбатан уч йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, автомактаб фойдасига судланувчидан 9 миллион 250 минг сўм моддий зарар ундириш белгиланди.

Юқоридаги воқеани баён этишдан мақсад кимларнингдир бошига тушган фожиани элга дастурхон қилиш эмас, балки келгусида бу каби нохуш ҳодисалар юз бермаслигининг олдини олишдан иборатдир. Бинобарин, ҳайдовчилик масъулияти ҳайдовчидан ҳамиша ҳушёрликни талаб қилади. Ҳушёрликни унутиш эса фожиага олиб келиши ҳеч гап эмас.

Наврўз МИРМУҲАМЕДОВ,
жиноят ишлари бўйича Тайлоқ тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

G'aroyib olam

Фалокат оёқ остидами ёки?..

Ҳаётда биз кутмаган, ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмаган воқеалар содир бўлиб туради. Кимдир буни бахтсизликка йўйса, бошқаси пешонада бор экан деб, тақдирга тан беради. Лекин бир нарса ҳақиқат: кичкинагина бир эҳтиётсизлик, бепарволик ёки ҳаддан ортиқ ҳаяжонга берилиш жиддий фалокатларга сабаб бўлиши кўп кузатилган. Қуйида ана шундай воқеалардан айримлари ҳақида маълумот берамиз.

· Нью-Йоркда бир кишини машина уриб кетди. Ҳеч бир жойи лат емагани боис иргиб турмоқчи бўлди. Аммо бир ўткинчи унга: «Турмай ётавер, роса пулини шиласан!» — деб маслаҳат бериб қолди. У: «Тушундим» — деди-да, қайтиб ётган ҳам эдики, рулда ўтирган киши уни кўрмагани боис яна машинани ҳайдаб юборди...

· Олти марта Эверест чўққисини забт этган альпинист Жерар Омельнинг ҳам ўлими жуда қизиқ. У ваннахонадаги куйган чироқни алмаштираман, деб нарвондан йиқилган. Боши қўл ювгичга урилиб, оламдан ўтди.

· Жанубий кореялик балиқчи тутган катта балиғини сотувга тайёрламоқчи бўлди. Қўлига ўткир ва катта пичоқни олиб, балиқни энди ёраман, деб турганда... балиқ ҳали тирик экан, кутилмаганда думини бир силкиди. Дум эса балиқчининг қўлига текканди. Пичоғи эгасига санчилиб, ўша жойнинг ўзидаёқ бу дунё билан хайрлашди.

· Хошиминда (Вьетнам) баланд кўприкдан ўзини ташлаб, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган қизни томоша қилиш учун бир гала томошаталаб кишилар йиғилди. Кутилмаганда 50 кишининг оғирлигига дош беролмаган кўприк пастда пишқириб оқаётган дарёга қулади. Натижада тўққиз киши ҳалок бўлди. Аммо ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган қизни қутқариб қолишди.

· АҚШлик фермер Винсент Карроджио қуён овига чиқди. Уч-тўрттасини отиб чарчади-да, ўқлоғлиқ милтиқни ёнига қўйиб, яшил майса устига дам олишга чўзилди. Буни қарангки, у дам олишга ётган жойда битта қуён пусиб ётган экан. Кутилмаганда қуён қочиб, овчининг ёнидан ўтиб кетди. Аммо оёғи билан милтиқ тепкисига тегиб кетди ва у отилиб Винсентни тинчитди. Қуён қондошлари учун шу тариқа «ўч олди».

· Мисрлик ҳукумат ишчиси Одил Нозим Жергаз хизмат поғонасидан кўтарилишни нақ саккиз йил кутди. Ниҳоят, хизмат поғонасидан кўтарилганлар рўйхатида ўз исм-шарифини кўриб, унинг қаттиқ хурсанд бўлганидан юраги тўхтаб қолди...

Интернетдан олинган маълумотлар асосида Нурпўлат НУРҚУЛОВтайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Алибек ЭРГАШЕВ
Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55
Буюртма: Г-418. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6666.
2 3 4 5 Топширилди: 22⁰⁰